



Ishonch

Ўзбекистонимизни янада раванқ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам гоят муҳим янгиликлар ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чучук хис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Авваламбор, сиз азизларни, ўзини матбуот соҳасига бағишлаган заҳматқаш ва фидойи инсонларни мамлакатимиз ривожига, Ватанимиз тарқиқетини таъминлаш, жамиятимиз олдига турган юксак мақсадларга эришиш, яъни, ҳар томонлама обод, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизни муносиб баҳолаб, барчангизни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Албатта, Ўзбекистонимизни янада раванқ топтириш учун юртимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам гоят муҳим янгиликлар ва ривожланиш жараёнлари юз бераётганини, матбуотимизнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб бораётганини муштарийлар, жамоатчилигимиз чучук хис этмоқда ва ана шу ўзгаришларнинг амалий самарасига гувоҳ бўлмоқда.

Бунинг тасдиғи тарихида баъзи бир рақамларни олиб келиш ўринли, деб ўйлайман. Агар бундан ўн беш йил олдин республикада 475 та оммавий ахборот воситаси бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 1110 тани ташкил этмоқда. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мавжуд 90 та нашриёт, 1300 дан ортқ матбаа корхонасининг моддий-техник базаси мустаҳкамлаб, махсус сифати юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимиз бу соҳада катта тараққиёт йўлини босиб ўтганидан далolat беради.

Шуни қайд этиш кераки, бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлиши интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг исботини юртимиздаги юздан ортқ оммавий ахборот воситаси интернетда ўз веб-сайтига эга экани, олий ўқув юрталарида интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани, шу йўналишда ижод қилаётган журналистлар сони тобора кўпайиб бораётгани мисолида аққол қуриш мумкин.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувларининг сунъий йўлдош орқали тарқатилиб, Ватанимизнинг бой тарихи, бетакор маданияти, бугунги сермазун ҳаётини дунёга тараннум этишга хизмат қилаётгани мамлакатимизда энг замонавий электрон воситалар ва телекоммуникация тизимини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган кенг қўлми ишларимизнинг амалий натижасидир.

Шулар қаторида барча ҳудуд ва минтақаларимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи ва уларнинг қамрови доираси тобора кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Одамни қувонтирадиган, хайратда қолдирадиган бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай муқдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бераётгани, газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-мундарижаси, мавзу доираси замон талаблари билан ҳамроҳ бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Айтиш жоизки, барчамиз кундалик ташвиш-

лар билан банд бўлиб, бу соҳадаги муҳим ўсиш-ўзгаришларни баъзан сезмай ҳам қолмоқдамиз. Бугунги байрам муносабати билан оммавий ахборот воситалари эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритиш, ўз ишининг чинакам устаси бўлган минг-минглаб журналистларнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш ҳар томонлама тўғри бўлади. Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришларни сезиш, кўриш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаш матбуот аҳлига, табиийки, ўз касбидан ғурурланиш, ўз меҳнатидан фахрланиш учун ҳақли равишда асос беради.

Мен ўз фаолиятим давомида журналистларнинг ишини яқиндан билиб, кузатиб келаётган бир инсон сифатида бу соҳанинг қандай нозик ва масъулиятли эканини, таъбир жоиз бўлса, баланд тоғ чўққисига чиқиш нечоғли қийин бўлса, ҳақиқий журналистнинг меҳнати ҳам шундай оғир ва машаққатли эканини ўзимга яхши тасаввур қиламан. Бу иш ҳаммининг ҳам қўлидан келмаслигини, бунинг учун истеъдод, тинимсиз заҳмат чекиш, қўнғ ва изланиш зарурлигини инобат оладиган бўлсак, ўзбек матбуоти бугунги кунда жаҳон ахборот майдонига ўз ўрнини топишга интилаётгани, журналистларимиз чет эллик ҳамкасблари билан мулоқот ва баҳсларда ҳеч қимдан кам бўлмадан ўзининг профессионал малакасини намойён этаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларидаги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, бугун замон талаб қилаётган вазифаларни ўз олдимизга қатъий қилиб қўймасак, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш устида аввало ўзимиз, шу касбнинг ҳақиқий фидойилари бош қотирмасак, ўйлайманки, биз учун бу ишни бошқа ҳеч қим қилиб бермайди.

Ўзингиз айтинг, журналист меҳнатининг қадрини, бу борада қобилият ва ижодий маҳоратнинг қанчалик зарурлигини яхши биладиган, ҳар бир мақола, ҳар бир эшиттириш ёки кўрсатув учун кўз нури, юрак қўрини бағишлаб яшайдиган инсонлар соҳадаги ютуқ ва камчиликларга ҳолисона ва танқидий баҳо бермаса, бошқа қим ҳам баҳо бериши мумкин?

Шунинг учун ҳам журналистларимизнинг ўз фаолиятини юксак талаб ва мезонлар нуктаи назаридан баҳолаб, миллий матбуотимизни дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситалари даражасига кўтариш масаласи энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу борада биз эскидан қолган, қўл-оёғимизни кишидек боғлайдиган баъзи бир қўлиплардан, овозимизни баралла қўйишга ҳалақит бераётган номатқўл қарашлардан, мухтасар қилиб, ўзбекиона қилиб айтганда, андишани нотўғри тушуниш, ўзини ўзи назорат қилиш каби ҳолатлардан воз кечишимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам, матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташвиш ва ички сийосатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни, турли-туман нуктаи назарлардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатларга — бу коррупция ёки амалларастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг даражаси кўрмаслики бўладими — буларнинг барчасига қарши муросасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виж-

дон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлишини истардим.

Шу борада ҳаётимизда учраб турадиган яна бир масалага тўхталиш жоиз: бизда раҳбарга ва мансабда ўтирган кишига иттифоқчилик билан, муте бўлиб қараш ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал бўлмаган менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларнинг фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулочидан тортиб офтобга чиқарадиган қим бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегшикли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустаҳкам ирода ва ўткир қаламга эга бўлган журналистга бундай салбий иллатларга нисбатан кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш, ноқобил раҳбарларнинг ички дунёсини, уларнинг кирдиқорларини очиб беришга қодир бўлади.

Агарки менга буюрса, эл-юрт манфаати учун ўз шахсий манфаатидан, ҳузур-ҳаловатидан воз кечиб, ҳатто ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб яшайдиган жонқуяр журналистларнинг ижодий жасоратини алоҳида тақдирлаган бўлардим. Чунки матбуотда бундай кескин мавзуларни кўтариб чиқиш, уларни ҳолис ва ҳаққоний ёритиб бериш учун инсонда аввало катта юрак, воқеалик фаол муносабат, қатъий ҳаётий принциплар бўлиши керак.

Масалага янада чуқурроқ қарайдиган бўлсак, юқорида билдирилган барча фикрларни мужассам этадиган юксак бир тушуначчи борки, у ҳам бўлса, журналистнинг граждандлик позициясидир. Яъни, шу юрт меники, шу заминдаги ютуқ ва ўзгаришлар ҳам меники, лекин ҳаётимиз, тезкор тараққиётимиз йўлидаги тўсиқларни бартарф этишга биринчи навбатда мен дахлдор ва масъульман, деган эгу интилиш матбуот аҳлига ярашадиган энг муносиб фазилатдир.

Шу борада қалбимда, юрагимда бўлган бир фикрни сиз азизларга айтмоқчиман — бу ҳаётда адолат учун, ҳақиқат учун курашадиган, «Биз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз», деган эътиқод ва ғурур билан яшайдиган одамларни, журналистлар, қалам аҳлини мен ўзимга энг яқин инсонлар деб биламан. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашга, қарак пайтда ёрдам ва қўмақ беришга тайёр эканимиз, уларни ўзининг ҳам-фикр ва маслақдошларим, деб билишимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Ўзингиз дўстлар, муҳтарам матбуотимиз фидойилари ва фахрийлари!

Сизларни бугунги кутлуг байрамингиз билан санимий табриқлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Байрамимиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!



Ватан манфаати ҳимояси — олий бурч

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирга оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот соҳасида кўп йиллар самарали ва ҳалол меҳнат қилган кекса журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультетининг профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва ом-

мавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аъёнанинг тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови гойибларига мукофотлар топширилди.

Шу билан бирга, спорт соҳасини оммавий ахборот воситаларида фаол ва тезкор ёритиб бораётган бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кенчиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаш шарт.

Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштиришга қарши ҳимоя даражасини ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиацияшароити сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилмоқда.

Ҳозирча дунёнинг 100 дан ортқ мамлакатиде замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган биометрик параметри паспортлар жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасида авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникасининг ишончилигини ва халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, авиатранспорт хизматларидан фойдаланувчи йўловчилар учун максимал қулайликлар яратиш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу соҳада кадрлар тайёрлаш ва бошқа тадбирлар борасида тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тадбир

Масъулият сарҳисоби

Масъулият. Барча соҳада бўлгани каби журналистларнинг зиммасида ҳам катта вазифалар мужассам. Аслида, баландпарвоз гапларни эслатаётган бу сўзларнинг нечоғли долзарблигини ахборот нафаси кезиб юрган замонамиз исботлаб турибди.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ташаббуси билан ташкил этилган «Газета ва газетхон» мавзусидаги давра суҳбатиде ҳам оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуот олдидеги масъулият алоҳиде эътироф этилди. Тадбирда УзКУФКнинг мустақаддилари, етакчи адиб ва адабиётшунослар, газетда фаол қатнашиб келаётган муаллифлар ҳамда тахририят ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов сўз олиб, журналистларни касб байрами билан кутлади. «Ishonch» газетасининг УзКУФК фаолиятини, хайрли ишларини, муҳими, меҳнат шартномасининг бекаму-кўст ижросини тарғиб қилишдаги аҳамиятини таъкидлаб ўтди ҳамда ахборот тўплаш ва тарқатишда жонбозлик кўрсатиб келаётган тахририятимизнинг бир гуруҳ фаол ходимларига эсдалик совғаларини топширди.

Тахририят ходимларининг меҳнати, журналистнинг масъулияти ҳақида бош муҳаррир Абдуҳалиқ Абдуразоқов куйдагича фикр билдирди:

— Матбуот тарихан жамиятдаги маълум ғуруҳларнинг фикр ва мақсадларини ифодаловчи минбар сифатида юзага келди ва яшаб келмоқда. Маълумки, давлатимиз сийосатининг марказида инсон, унинг манфаати устувор. Бу эса журналистлардан ҳазрати инсон ҳақида кўпроқ ёзиш, газетда унинг талаб ва истаклари, орзу-интилишларини қамраб олишни тақозо этади. Бизнесинг тахририят ана шу йўлдан боради ва бунинг учун талабга жавоб берадиган қаламқашларни атрафомизга янада кўпроқ жалб этишимиз лозим.

— Касбада уюшмалари дунёда энг инсонпарвар жамоат ташкилоти ҳисобланади. Унинг ёрдамида қанчадан-қанча ноҳақ ишдан бушаганлар қайта тикланади, ҳам моддий, ҳам маънавий қўмақ олиб келади. Ушбу фаолиятни кенг ёритиш, жамиятда юз бераётган ноҳақликларга қарши курашиш, халқ ишончига сазовор бўлаётган тахририят ходимларига миннатдорчилигини билдирмоқчиман, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримуқул Қодиров. — Шунингдек, газета саҳифаларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи ҳамда мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишлаб турфа хил мақолалар кўпроқ берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Устозимиз таъкидлаганидек, касбада уюшмалари энг инсонпарвар ташкилотдир. Аслида, инсонпарварлик қадим-қадимдан

Қутлаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жағнамаси, Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан миллий спорт ўйинларини тарғибот қилиш ҳамда юртимиз спорт ривожлантиришдаги ютуқ ва муаммоларни таҳлилий материаллар орқали ёритилган, ватанимиз шукратини улуғлаётган спортчилар ҳақидаги очерк ва репортажлари учун ҳамкасбимиз Акмал Абдиев энг кам иш ҳақининг 10 баъварини мукофоти билан тақдирланди.

Акмал Абдиевни бу эътироф билан чин қалбдан кутлаб, бундан-да юксак марраларни забт этиши йўлида ижодий парвоз тилаймиз.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси

(Давоми 8-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ва замонавий халқаро андозалар ҳамда талабларни ҳисобга олган ҳолда миллий паспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг 2010 йил 1 январдан Ўзбекистонда эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (бундан буён биометрик паспорт деб юритилади) жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Аҳолининг амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини биометрик паспортга босқичма-босқич алмаштириш тартиби тасдиқлансин:

биринчи босқич (2010 йил) — республика вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунийликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга;

иккинчи босқич (2011-2015 йиллар) — қонунийликда белгиланган тартиб бўйича Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига.

3. Биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) ташкил этилсин, марказ биометрик паспортлар билан биометрик тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ДИБ) ҳудудида жойлаштирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: паспорт олиш учун муҳожат этган шахслар бўйича белгиланган маълумотлар ва биометрик параметрларни тўплаш, ушбу маълумотларни ДПМга юбориш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бошқармасининг бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг хориждаги консуллик муассасаларига юкланди;

фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтиш лойиҳасида кўрсатилган биометрик параметрларга биноан шахсни идентификация қилиш Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара назорати бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибда қуйдагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин: бир ой ичида — Давлат персоналлаштириш маркази тўғрисидаги Низомни;

икки ой ичида — ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тўғрисидаги Низомнинг янги тахририни.

6. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати мамлакат фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш тизимини самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида ИИВ, ТИВ, МХХнинг тегишли бўлинмаларини 1 ва 2 иловаларга мувофиқ замонавий жиҳозлар билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда ДПМни «Давлат белгиси» ДИБ ҳудудида жойлаштирилиши ва жиҳозланишини, ажратилган бионинг капитал ва жорий таъмирланишини, зарур ташкилий техника, офис мебелли, алоқа воситалари ва марказнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар билан таъминласин.

8. Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги республиканинг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргаликда:

бир ой муддатда хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ва техник-иқтисодий асосларга мувофиқ ДПМнинг ишлаб чиқариш моддий-техник базасини шакллантиришга доир дастур ишлаб чиқсин ва унинг 2009-2010 йилларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини биометрик паспортлар билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни изчиллик асосида ташкил этсин.

9. Молия ва иқтисодиёт вазирликлари бир ой муддатда Ўзбекистонда биометрик паспортларни жорий этиш бўйича лойиҳани молиялаштириш масаласини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўрнатилган тартибда хорижий давлатлар ҳукуматларини, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотини ва Халқаро стандартлаштириш ташкилотини Ўзбекистонда миллий паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ой муддатда ушбу фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифлар киритсин.

12. Ушбу фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 23 июн

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие»
газеталари тахририятига

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» сўзларини тобора ўз характерига айлантириб бораётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосидаги эзгу ишларни намён қилишда матбуотнинг хизмати катта.

Матбуот ва касаба уюшмалари фаолиятини айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Иккала-си ҳам эл-юрт манфаати, халқнинг қувонч-у дарди билан яшайди. Зотан, мақсад ягона — ишчи-ходимларни ижтимоий жиҳатдан пухта муҳофазалаш, барча соҳаларда ислохотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этиб, халқ фаровонлигини таъминлашдир.

«Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да бу вазифалар янада долзарб аҳамият касб этади. Боиси, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми кишлоқларда яшаб, меҳнат қилади. Шу аснода, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда жонқурлик кўрсатаётган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг тобора халққа яқинлашаётганини, ҳам шаклан, ҳам мазмунан халқчиллашаётганини эътироф этиш лозим.

Юртбошимиз таъкидлагандек, «Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислох қилиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мураккаб, шу билан бирга, ўнлаган масъулиятли вазифаларни қўймоқда». Шу боис журналистларимиз фуқароларимиз фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни меҳнатқашлар оmmasига тезкор, ҳолис ва ҳаққоний тарзда етказишда фидойилик намуналарини кўрсатиши лозим. Zero, журналистика халқ ва давлат орасидаги «олтин кўприк» демакдир. Барча қалам аҳлини, жонқур журналистларни касб байрами билан қўлайимиз.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати

Мамлакатимизда таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Тизимни жаҳон андозаларига мослаштиришда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бунда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ўрни бор. Ўз сафларида миллионлаб кишиларни бirlаштирган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳамятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури республикамизда таълимни тубдан ислох қилиш, тармоқ вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда касбий кафолатларини таъминлаш масалаларига чуқурроқ ёндашишга имкон берди. Хозирги кунда тармоқ касаба уюшмаси таркибда 11.549 та бошланғич ташкилот бўлиб, шундан юридик макомга эга 11.087 та касаба уюшмаси шартномага қабул қилинган. Жамoa келишуви ва шартномалари орқали 2 млн. 200 миңдан ортиқ кишининг манфаати ҳимоя қилиниши назарда тутилган.

Марказий кенгашнинг режасига кўра «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурини амалга ошириш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг апрел ойида «Чортоқ» (Наманган), «Бустон» (Тошкент), «Қашқадарё соҳили» (Қашқадарё), «Ситорай моҳи хоса» (Бухоро) санаторийларида бўлиб ўтган минтақавий семинарларда республика умумтаълим мактабларининг 400 дан зиёд бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этиди.

Бошланғич ташкилотлар тармоқ касаба уюшмасининг кон томири ҳисобланади. Кичик томирдаги хасталик юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатганидек, кичик бир жамoaдаги касаба уюшмасининг сусткашлиги, муросасозлиги нуфузли ташкилот бўлмайди, — дейди Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раисси Носирхон Акбаров. — Шу боис Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили баҳонасида эзгу ишларимиз ҳам, йўлларимиз ҳам кишлоққа тўташиб, энг чекка ҳудудлардаги ташкилот етакчиларининг малакасини оширишга эътиборини янада қунайтирдик. Минтақавий семинар иштирокчиларининг аксарияти кишлоқ таълим муассасалари вакиллари эканлиги ҳам фикримиз исботидир. Тадбир давомиде етакчилар: Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий бошқармалар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ Марказий кенгашлари масъул ходимла-

ри ва бошқа мутасаддиларининг маърузаларини тинглашди. Назарий билимларини ошириш билан бирга дам ҳам олиб, даволандилар. Шунингдек, Марказий кенгаш томонидан семинар қатнашчилари «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари учун тавсияномалар», «Бошланғич касаба уюшма қўмита раислари ва фаоллари учун жамoa шарт-

электрпечка каби керакли жиҳозлар олиб бериш кўзда тутилди. Бу борада амалга оширилган эзгу ишлар салмоғи Марказий кенгашга келаятган миннатдорчилик мактубларида ўз аксини топмоқда. **О.Жуманазарова, Термиз туманидаги 13-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси:** — Касаба уюшмалари зиммасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа бор. Бу ҳар бир етакчидан ҳуқуқий саъдиҳонлик, жонқурлик ҳамда ишбилармонлиқни талаб этади. Ушбу семинар эса таълим соҳасини ривожлантириш, тармоқ ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг тушунча берди.

хўрликдан мамнунмиз. **Мунаввар Ҳайитова, Пешку туманидаги 9-иктиторли болалар мактаб-интернати боланғич касаба уюшма қўмитаси раиси:** — «Ситорай моҳи хоса» санаторийси ўзимнинг вилоятда жойлашган бўлса ҳам унда энди дам олишим. Бу ерда турли вилоятлардан келган 100 га яқин ҳамкасб бир hafta касаба уюшмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича семинарда иштирок этдик. Боз устига, шундай аjoyиб санаторийда соғлигимизни тикладик. Бошланғич ташкилотлар, айниқса, Бухоро политехника коллежиде ташкил этилган ўқувдан кўп маълумотларни олдим. Бухоро бўйлаб саёҳат, маданий-маъри-

нати директори: — Касаба уюшма ташкилотимиз раиси Акрам Қоратовте тармоқ Марказий кенгаши ташкил этган бир ҳафталик семинарга бориб келган, дарҳол яхши ҳабар етиб келди. Гап шундаки, касабакўшимизнинг минтақавий семинарда билдирган таклифига биноан Марказий кенгаш раёсати қарори билан мактабимиз ўқувчиларига 50 та эшитиш мосламаси олиб берилди. Бу хушхабар ўқувчилар қатори ота-оналар ва болаларни ҳам беҳад хушнуд этди. Шунингдек, туманимиздаги 21-мактабга мусика асбоб-ускуналари, Қўрғонтепа туманидаги 21-мактабга электр печ, микро-тўқилкили печ олиб берилди. Бундай гамжўрликка жавобан янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қиламиз.

Зубайда Абдуллаева, Зафаробод туманидаги 3-мактаб-боғча мудири, касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Касаба уюшма аъзолари нимага эҳтиёж сезаяпти, қайси жаҳаларда қийналяпти, дам олиши, саломатлиги қандай, иш шариоти рисоладагидеки, жамoa шартномаси бажарилаяптими? Ана шундай саволларга жавоб топа олсангизгина, фаолиятингиздан қониқасиз. Семинарда бу борада амалга оширилиши керак бўлган тавсиялар берилди.

Чирчиқ шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибиде умумтаълим мактаблари бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш тажрибасини кузатишим фаолиятиндаги бўшлиқларни тўлдиршига замин яратди. Чирчиқ, Фазалкент маданият саройлари санъаткорлари, айниқса, Ўзбек миллий академик театри актёрлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг санъаткорлари иштирокидаги концерт, «Фарёд» кинофилми томошаси ҳордиқ онларимизга алоҳида завқ бағишлади.

Тадбир якунида иштирокчилар билдирган таклифлар инобатга олингани ва бу борада раёсат қарори қабул қилингани биз учун аjoyиб совға бўлди. Мактаб-боғчамизга ҳам мусика асбоблари олиб берилди. Шунингдек, Марказий кенгаш ҳисобидан Гулистон туманидаги 2-мактаб хонаси жиҳозлаб берилди. Урта Чирчиқ туманидаги 2-мактабга 1 та компьютер, Ҳамза туманидаги 226-мактабга мебел, Чирчиқ шаҳардаги 7-мактабга мусика маркази етказиб берилди. Бундай бу каби эзгу ишлар касаба уюшмаларининг нуфузини ошириши шубҳасиз.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири

Қалбга йўл тарбиядан бошланади

номаларини тузиш бўйича тавсиялар», «Меҳнатни муҳофаза қилиш», «Якка меҳнат низола-ри» мавзусидаги қўлланмалар, касаба уюшмага аъзолик афзалликларини асослаш бўйича тавсиялар акс эттирилган диск билан таъминланди. Минтақавий семинарлар ўтказиш учун ҳудудларда масъул этиб тайинланган Наманган, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоят кенгашлари томонидан ҳам жойларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти учун зарур услубий тавсия ва қўлланмалар берилди.

Ушбу семинар касаба уюшма аъзоларига нима берди? Аввало, ҳар бир анжуман якунида иштирокчилар таълим муассасаларида касаба уюшма йўналишида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги муаммолар ҳақида фикр билдиришди. Ҳар бир таклиф мутахассислар томонидан атрафлича ўрганилди. Вилоят кенгашлари хатлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларидан тушган таклифларни инобатга олиш тўғрисида Марказий кенгаш раёсатининг қарори қабул қилинди. Унга асосан семинарда қатнашган барча касабакўмлар хонаси Марказий кенгаш ҳисобидан жиҳозланади. Ҳудудий кенгашлар томонидан ҳам бу хайрли иш амалга оширилди. Шунингдек, кенгаш ҳисобидан қўллаб таълим муассасаларига мусика маркази, компьютер,

Энг муҳими, машгулотларда меҳнат муҳофазасини ташкил этишда касаба уюшмасининг роли, ижтимоий шерикчилик асослари, жамoa келишуви ва шартномалари ҳақида янада кенг билимга эга бўлди. Айниқса, 2-иктиторлаштирилган мактабга таълим муассасаси, умумий ўрта таълим мактаб-интернати бошланғич касаба уюшма қўмиталари фаолияти, маъмурият билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари билан танишувдан кўп нарсга ўргандик. «Қашқадарё соҳили»да бир hafta дам олиб, саломатлигини тикладик. Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарёдан келган 85 нафар ҳамкасб ўзаро тажриба алмашдик, дўстлашдик. Қарши шаҳридаги тарихий жойларга саёҳат, вилоят мусикали драма театри санъаткорлари иштирокидаги концерт хотирамизга муҳрланиб қолди.

Мени қувонтирган янгилик Марказий кенгашнинг мактабимиз тивук цехига 2 та тивук машинаси олиб бергани бўлди. Эндиликда қизларимиз учун ҳунари ўрганиш имкони яратилди. Бу эса келгусида ана шу қизларнинг оиласи фаровонлигини ҳам таъминлайди. Шунингдек, Жарқўрғон туманидаги 15-мактабга 300 миңг сўмлик теннис столи ва бир комплект қонунлар мажмуаси олиб берилди. Узоқни қўлаб амалга оширилган бундай гам-

фий тадбирлар ташкил этилиб, ҳар дақиқамиз мазмунли ўтди. Шундай илмий-маърифий тадбирни ташкил этгани учун Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Марказий кенгашига миннатдорчилик билдираман.

Елмурат Алламурастов, Келгайли туманидаги 4-мактаб касаба уюшма ташкилот раиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси:

— Семинарда қоракалпоғистонлик 29 делегат қатнашдик. Аввало, шундай аjoyиб тадбирни ташкил этган учун Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари Марказий кенгашига миннатдорчилик билдираман. Шахсан мен семинардан кўп нарсани ўргандим ва шундай қарорга келдим: касаба уюшмаси ишларида айрим камчиликлар бор. Баъзи корхона раҳбарлари касаба уюшмасини менсимайди. Ўқув машгулотлари менга бу каби муаммолар ечимини ўргатди. Семинар якунида айрим муаммолар ҳақида гапирдим. Қарангчи, улар инобатга олинди, Марказий кенгаш мактабимизга электр печ совға қилди. Анчадан бери ишламай-диган ошхонамиз янги ўқув йилидан фаолият кўрсатадиган бўлди. Таъмирланди.

Бухорога кўп келганман, шаҳар анча ўзгарди. Мириқиб саёҳат қилдик. **Азимжон Иброҳимов, Хўжабод тумани заиф эшитувчи болалар мактаб-интер-**

Касаба уюшмалари ҳаётидан



Меҳнат аҳли ардоқда

Меҳнатқаш аҳлига гамжўрлик кун тартибидан тушмайдиган энг муҳим масалалар. Мухтоярларнинг мушуқлини осон қилиш, қорига ярашга не етсин. Кам таъминланган, қўл болали оилаларга 4 миллион 386 миңг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ кўйи бўғинларини жалб этган ҳолда кишлоқ ишлари ўрта-сида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» мавзусида

қўриқ-танлов ўтказилди. Жойлардаги вакиллар орқали «Хуқуқий маслаҳат телефонлари» ташкил этилди. Шунингдек, меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда дам олдиришга жиддий эътибор қаратилади. 161 нафар киши республикамиз сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклаб қайтди. Мавжуд 13 та оромгоҳда келажакимиз ворислари ёзни гаштли ўтказмоқда. Мавсум мобайнида жами 3360 нафар бола шундай имкониятдан фойдаланади. Пиллакорларимиз зафар қўчганида, улар қувончини бирга баҳам кўрдик. Эндиликда эса

ғаллакорларимизга яқиндан қўмақлашув, уларга зарур шaroитлар яратиб беришга ҳаракат қилаялмиз. Бундан ташқари, спорт ишлари ҳам доимий эътиборда. Масалан, ўтказилган кишлоқ меҳнатқашлари спартакиадаси барчани мамнун этди. Мусобақаларда 344 нафар спортсевар фаол иштирок этиди. 5 тур бўйича аниқланган голиблар рағбатлантирилди.

Норхол РАҲМАТОВА, Агрросаноат мажмуи ходимлари Самарқанд вилоят кенгаши раиси



Ўзвийлик касб этиб...

Меҳнатқашлар манфаатини ҳимоялашда меъёрий ҳужжатларнинг ўрни беқўб. Соҳамиздаги ҳар бир ташкилотда қонун устуворлиги таъминланмоқда. Кенгаш таркибидеги 16 та туман, шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмиталари ва олий ўқув юртларида тўртта бирлашган ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси жамoa шартномасига таяниб фаолият олиб борапти.

Самарқанд вилоят Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус касб-ҳунари таълими бошқармалари билан 2 та жамoa келишуви, туман ва шаҳар тармоқ-

лари билан 16 та жамoa келишуви ва юридик шахс мақомига эга 1375 та таълим муассасасида 1375 та жамoa шартномаси тузганмиз. Ана шу ҳужжатлар соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясида асқотаяпти. Тармоқдаги 178.337 нафар касаба уюшма аъзоси доимий эътиборимизда.

Ешлар — юрт келажаги, истиқболимиз эгалари. Шу боис тармоқ касаба уюшмаси олий ва ўрта махсус касб-ҳунари таълими муассасаларида тахсил олаётган талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини қулайтириш мақсадида олий ўқув юртларининг 14 нафар, ўрта махсус касб-ҳунари таълими тизимидеги 6 нафар иқтиторли талабани энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдоридеги устама стипендия

билан таъминлаб келаяпти. Ана шу мақсад учун вилоят кенгаши томонидан 2 млн. 44 миңг 770 сўм сарфланди. Ўтган йили 288 нафар ёш ходим ва талаба республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олдирилди. Бу йил бу миқдор янада ошиши кутилапти. Касаба уюшмаси меҳнатқашга ҳамisha елкадошидир. Шунинг учун одамлар бу ташкилотга суянади. Биз буни қадрлашимиз, зиммадаги вазифани масъулият билан олд этишимиз зарур. Шунда ташкилот билан узвийлик, ҳамкорлик янада мустаҳкамланаверади. **Содиқжон ИСАЕВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси**



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини аънавий касб байрамлари билан муборакбод этади.
Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнида фаол қатнашаётган фидойи ва заҳматкаш қалам аҳлига сўхат-саломатлик, бахту саодат, ижодий баркамоллик, илҳом ва жасорат, хонадонларига файзу барака тилайди. Қалбингизни ишонч, яхшилик нури тарқ этмасин.
Ҳамиша қаламингиз ўткир, нигоҳингиз чақноқ, йўлингиз эзгуликка тугаш бўлсин! Халқимиз бахтига омон бўлинг!
Сўхат-саломатлик посбонлари Сизнинг хизматингизда.

Эътироф

«Кўз етмаган жойга сўз етади...»

Халқимиз айтган бу ҳикмат кўпроқ газетчиларга тааллуқли. Негаки, журналист ўзи танимган, билмаган одамлар кўнглига сўзи билан кириб боради.

Эган мақолалари билан газетхонларга завқ бағишлайди. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри бўлган «Ishonch» газетаси кейинги йилларда нафақат касаб уюшмалари, балки мамлакатимиз зиялилари ва кенг омманинг юрагидан жой олган, республика нашрлари ўртасида оёриси ошиб бораётган газетга айланди. Севишли газетамиз касаб уюшмаларининг ҳаёти билан бирга маданий ва тарихий меросимиз, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиб, халқ тафаккури юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови баҳона биз касаб уюшма тизимида ишлайдиган фаолларнинг тажрибасини ўрганаёلمиз. Масалан, менга касаб уюшмамиз фарииси Наима Маҳмудова ҳақидаги «Тақдирни қўл билан яратур инсон» мақоласи ёқди. Уни ўқиб опанинг гайрати-ю тоқатиға қойил қолдим. У — ҳар бир етакчи ўрнат олса арзийдиган ўзимизнинг қаҳрамон.
Шу ўринда «Миллий мафкура миллатни

бирлаштирувчи байроқдир» деб номланган кўш саҳифани алоҳида таъкидлашни истардим. Унда чоп этилган ҳар бир мақолада маънавий баркамоллик нафақат жамият учун, балки ҳар биримиз, оиламиз, фарзандларимиз, қолаверса, келажгимиз учун сув билан ҳаводек зарур эканлиги кўрсатиб берилган. Унда «Рўҳни соғломлаштирмай, касални даволаб бўлмайд» номли мақолам чоп этилган. Ана шундай долзарб мавзулар ёритилган газеталарни шахсий архивимга йиғиб бораман.

Мен газета билан узок йиллардан бери ҳамкорлик қиламан. Айтишим мумкинки, сўнги икки-уч йилда газета салмоғи ортди, ўқувчилари кўпайди. Тахлилий ва халқ тафаккурини чархлайдиган материаллар кўпайди, мавзулар доираси кенгайди. Забардаст ижодий гуруҳнинг тезкор ҳаракати ва зукколиги туфайли газета кундан-кунга қизиқарли ва кўнглига яқин бўлиб бормоқда. Айниқса, эл севган ижодкорлар, адабиёт ва санъат намояндаларининг чиқишлари газетхонларни хушнуд этди. Жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримкул Қодиров, Муҳаммад Али, профессорлар Қозокбой Йўлдошев, Акмал Са-

идов, шоира Шарифа Салимова, ёзувчи Маъсума Аҳмедова, ҳажвий расмлар устаси Шавакат Музаффарнинг мақола, очерк, ҳикоя ва карикатуралари газетхонлар эътиборини тортди.

Газетанинг кўмағи билан юртимизнинг турли ҳудудларида яшайдиган ҳамкасбларим билан қалбан боғланиш имкониятига эга бўлдим. Санаб кўрсам, ўтган йили соҳага оид ўнлаб мақолаларим қатори шеърларим ҳам газета саҳифаларидан жой олди. Демак, касаб уюшмаси етакчиси сифатида нуфузли ташкилотимиз обрўсини оширишга озми-кўпми ҳисса қўшган эканман, бунинг учун «Ishonch»дан миннатдорман.

Ижодий жамоага янада юксак парвозлар тилаб, йўлингиз эзгуликка тугаш бўлсин «Ishonch» деб қоламан.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касба уюшмаси Бухоро вилояти
кенгаши раиси

Эл соғлиғи йўлида...

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ходимлар манфаатини ҳимоялашга 3581 нафар аъзони бирлаштирган кенгашимиз ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни пайтда Яқабоб тумани аҳолиси 215 мингга яқин бўлиб, уларнинг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Шу боис қишлоқлардаги даволаш-профилактика ва тиббий санитария хизмати анча яхшиланди.

Яқинда касаб уюшмаси томонидан ташкиллаштирилган «Энг обод муассаса» танловида 23 та врачлик пункти вакиллари қатнашди. Тажрибали шифокор З.Умирова раҳбарлигида фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишни юксак даражага кўтарган ва ободонлаштириш ишларини намунали олиб борган Катағон қишлоқ врачлик пункти биринчи ўринни эгаллаб, рангли телевизор билан мукофотланди.

Бундан ташқари, «Саломатлик-2» лойиҳасига мувофиқ барча врачлик пунктлари 222 млн. сўмлик асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, 2 та турғуқ комплексига 120 млн. сўмлик замонавий даволаш ускуналари келтирилди.

Олий тоифали шифокор Ботир Жўраев раҳбарлигидаги туман марказий шифохонасида ҳам иш замон талабларига мувофиқ йўлга қўйилган. Шифохона ходимларидан 13 нафарига 6 млн. 300 минг сўм устама ҳақ тўланган бўлса, яхши меҳнат қилган 160 нафар ходим 8 млн. сўм миқдорда рағбатлантирилди, 59 кишига эса 5 млн. 100 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, тунги навабчиликда меҳнат қилган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш йўлга қўйилган.

Жарроҳ Шомурод Чориев, терапевт Муҳаммади Алмуқолов, акушер-гинеколог Раъно Муродова сингари тажрибали врачлар, Гулмира Бақирова, Насиба Хатипова, Ойжамол Паттаева каби ширинсўхан ҳамширалар эл соғлиғи йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Муҳими, фуқаролар улардан жуда миннатдор.

Рустам УЗОҚОВ,
Яқабоб туман марказий шифохонаси
касба уюшма кўмитаси раиси

Акционерлик тижорат «Ипотека банк»и Тошкент шаҳар филиали амалиёт бош бошқармаси



Барча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини
касб байрами билан муборакбод этади.

Хонадонингизни қут-барақа, кўнглингизни ижод завқи ҳеч қачон тарқ этмасин.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан барча қалам аҳлини самимий қутлайди!
Барчангизга ижодий баркамоллик, оилавий бахт тилайди.
Ҳозирги ривожланиш ва юксалиш даврида матбуот равнақиға ўзининг ҳиссасини қўшаётган заҳматкаш инсонларнинг фаолиятига омад ёр бўлсин!



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

Мамлакатимиздаги барча қалам аҳлини
27 июн — Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан
чин қадабган табриқлайди.
Сўхат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий куч-қувват,
баркамоллик барчангизга ҳамроҳ бўлсин!



ЖИЗЗАХ ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этиб, барча ижод аҳлига мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, юртимиз тараққиёти йўлида ҳормай-толмай қалам тебратишларини тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ

Юртимиздаги барча
ижодкорларни матбуот
ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кунин билан
қизғин қутлайди.
Барчангизга яхшилик ва
омонлик тилайди.



Касба уюшма ёрдам берди

2007 йилнинг сентябрийда ўйимизда ёнғин солири бўлиб, 30 ёшли қизим Гулруқ, 12 ёшли қизим Еркинни ва турмуш ўртоғим Нурбуви қаттиқ жароҳат олишганди. Турли даволаш масканларига мурожаат қилдик. Оилавий шароитимиз оғирлиғи туфайли иктисодий жиҳатдан қийналиб қолдик. Шундай вазиятда жонимизга касба уюшма ташкилотлари оро кирди.

Оғир дамда кўмаклашдилар

Таълим ва фан ходимлари Пахтачи туман бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси М.Саидов, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси С.Исаев, таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н.Ақбаровдан гоят миннатдоримиз. Уларнинг ғамхўрлиғи туфайли иккала қизим ва турмуш ўртоғим пойтахтдаги Республика марказий шифохонасида касба уюшмалари жиҳоддан даволанди. Шифохона врачлари Қодир Носиров, Абдурашид Абдусаломов, Жамшид Расулов ва қўли енгил ҳамширалар беҳимнат хизмат қилишди.

Биз бутун оиламиз ва қариндош-уруғларимиз номидан касба уюшма ташкилотларига ва шифокорларга чексиз раҳмат айтмақиз. Илҳом, бундай хайрли ишлар уларнинг йўлларини нурафшон қилсин.

Нёъмат КАРИМОВ,
Пахтачи тумани

Фарғона вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси



Республикамизда фаолият юритаётган барча
оммавий ахборот
воситалари ходимларини касб байрамлари
билан табриқлайди!

Ушбу хайрли ишингизда ижодий илҳом,
кўтаринки кайфият ва саломатлик тилайди!
Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб
бораётган ишларингизда омад ёр бўлсин!

Дам олувчиларга ғамхўрлик

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши раиси Собирхон Саидхўжаевнинг ташаббуси ҳамда Кўкюн шаҳар ҳокими Шўхрат Собиров ва йўллардан фойдаланиш тармоғи бошлиғи Обидхон Жўраевнинг саяё-ҳаракатлари билан Кўкюндаги «Кино» оромгоҳи теннис майдончаси, йўлақлар ҳамда оромгоҳга борувчи Ойбек кўчаси асфалтланди. Шу тариқа аҳолига, транспорт воситалари ҳаракатланишига қулайлик яратилди. Бундан оромгоҳда дам олувчи болаларнинг ота-оналари ҳамда маҳалла аҳлининг боши осмонга етди.

Кўпнинг дуоси ижобат бўлади, дейишади. Эзгу амаллари билан элнинг олқишини олаётган инсонларнинг йўллари доимо ёруғ бўлсин!

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси
Фарғона вилоят кенгаши

Ўзги соғломлаштириш



Ишловчи ва унинг оила аъзоларига гамхўрлик қилиш фаолиятимиз мезонига айланган, десак асло муболага бўлмайди. Чунончи, ўтган йили вилоят бўйича 14 минг ўрнига 14223 нафар бола соғломлаштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ҳаммаси рисоладагидек бўлади

Жумладан, вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва ички ишлар бошқармаси биргаликда «Ширин» болалар оромгоҳида профилактик ҳисобда турган, кам таъминланган оилаларда тарбияланган ўтаётган 80 нафар вояга етмаган ўсмир, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ва мактаб-интернат ўқувчиларининг 130 нафари, касб-хунар коллежларининг кам таъминланган оилалар фарзандларидан 150 нафари, спорт мактаби тарбияланувчиларининг 50 нафарини бепул дам олдиришга эришилди. «Соғлом авлод» жамғармаси орқали 160 нафар кам таъминланган, етим болалар «Офтобча» оромгоҳида хордик чикарди.

Жорий йилда болаларни ёзги соғломлаштириш бўйича эришилган натижаларни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Аввало, вилоят ҳокимлиги ҳамда касаб уюшма ташкилотларининг мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қабул қилган қарорлари ҳамда бу борада тузилган тadbирни таъкидлаб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатларда 14 минг бола соғломлаштириш белгиланган. Шундан 5850 нафарини касаб уюшмалари ҳисобидан, 8150 нафарини эса шаҳар, туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, ҳомийлар томонидан халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда дам олдириш режалаштирилган.

4820 нафар бола шаҳардан ташқаридаги 11 та оромгоҳда, 9180 нафар бола мактаблар, коллеж ва лицейлар қошидаги 67 та кундузги оромгоҳда соғломлаштирилиши кўзда тутилган.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш бўйича вилоят комиссияси аъзолари, барча тармоқ вилоят кенгаши ва вакилликлари раҳбарлари мўлжалланган вакилларни бекуму кўст баҳарлишига амалий ёрдам бериш мақсадида оромгоҳлар ва туманларга бириктириб қўйилди. Хар бир оромгоҳ бўйича керакли озик-овқатларнинг миқдорлари аниқланиб, таъминоти ва савдо ташкилотлари билан шартнома-лар тузилди.

Бундан ташқари, кунлик маҳсулотларнинг вақтида етказиб берилишини таъминлаш мақсадида барча фермерлар ҳомий

сифатида оромгоҳларга белгиланган жадвалларга асосан бириктирилди.

Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари, ҳўжалик ташкилотлари раҳбарлари, болаларни дам олдиришга мутасадди идоралар вакиллари ва тармоқ касаб уюшма вилоят, туман кенгашлари расислари ҳамда тармоқ Марказий кенгашларининг вилоят, туман вакиллари билан вилоят ўқув-семинари ўтказилганлиги айни муддао бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг йўғилиши баёнида оромгоҳлар учун белгиланган имтиёзлар савдо ва таъминоти, «Намангантелеком» АЖ, «Наманганэлектротармоқлари», «Намангангаз», «Сувоқава» ташкилотлари раҳбарлари ҳамда семинар иштирокчиларига етказилди. Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, ўсмирлар ўртасида турли ҳўқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, ёғнин ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида малакали ички ишлар ходимлари бириктирилиб, уларнинг навбатчилиги ташкил этилди.

Шунингдек, шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар алоқа хизмати ва автотранспорт билан таъминланди.

Болаларнинг дам олишини мазмунли ўтказиш учун вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан тегишли тadbирлар белгиланди. Марказий кутубхоналар ва уларнинг жойлардаги шоҳобчалари жадвал асосида турли кечалар, кўргазмаларни ташкил этиш учун оромгоҳлардаги кутубхоналарга бириктирилди. Оромгоҳларда қайта хатлов ишлари ўтказилди ҳамда ҳўжалик ташкилотлари томонидан етишмайдиган қаттиқ ва юмшоқ жижозлар етказиб берилди.

Шаҳардан ташқарида жойлашган 11 та болалар оромгоҳидан 9 тасида таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа ташкилий ишлар амалга оширилди. Янгиқўрғон туманидаги «Ёш

алоқачи» ва «Камалак», Поп туманидаги «Офтобча», Косонсой туманидаги «Умид», «Соҳил», Чуст туманидаги «Тоғ шалоласи», Уйчи туманидаги «Хумо» оромгоҳларида катта ҳажмида таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилди. «Ўзавтодарётранс» агентлигига қарашли «Тоғ шалоласи» оромгоҳига ҳўжалик органлари томонидан 120 комплект қўрпа, ёстиқ жилдлари, дори-дармон, концелярия моллари, ошхона идиш-товоқлари берилди.

«Ёш алоқачи», «Офтобча», «Умид», «Тоғ шалоласи», «Камалак», «Хумо», «Олмазор» оромгоҳлари 1 ва 10 июнда очилиб, уларга 1620 нафар бола қабул қилинди. Косонсой туманидаги «Соҳил», Тўрақўрғон туманидаги «Ширин», Чортоқ туманидаги «Шодлик», Норин туманидаги «Норин» оромгоҳлари 15 июндан фаолиятини бошлади.

Оромгоҳларда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Ўзбегим ўғлонлари», «Қувноқ стартлар», «Соғлом авлод — миллат таяғи» тadbирлари, «Биз тинчликни истаймиз», «Биз терроризмга қаршимиз», «Биз ватан посбонлари», «Она — азиз», «Она Ватан» мавзуларида расмлар танловлари ҳамда вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳаракат хавфсизлиги қондалари бузилиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тайёрланган кўргазмали плакатлар ва фотобайерлар билан барча оромгоҳлар таъминланган, DVD дисклар жадвал асосида намойиш этилмоқда.

Ишончимиз қомилки, ўқувчилар ёзги таътилни сўз ўтказиб, янги ўқув йилига янада кўчга тўлиб қайтадилар.

Пайзулла ПАЯЗОВ,
Наманган вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Инқирозга қарши

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

ёки инқироз йўлига тўсиқ

Наманган машинасозлик корхонасида тайёрланган маҳсулотлар яқин вақтларга нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Россия, Белорусга ҳам экспорт қилиб келинган. Иқтисодий инқироз мазкур корхонани ҳам четлаб ўтмади. Талаб кескин камайиб кўплаб муаммолар юзга келди. Ҳўш, бозорни сақлаб қолиш, корхона фаолиятини бир маромда юритиш, иш ўрнини қисқартирмаслик учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Дарҳақиқат, шу вақтга ишлаб чиқарилаётган 50 турга яқин маҳсулот орасида, айниқса, нефт, сув, ёғ ва бошқа турдаги халқ ҳўжалигининг қатор тармоқларида асқотадиган заъвжжалар, хар хил ўлчамдаги люклар трансформатор конвейерларининг роликлари, коррозияга қарши қўлланиладиган мембранали клапанларга талаб кўп эди, — дейди корхона раҳбари Маҳмуджон Усмонов. — Олмалик ва Навойи тоғ металлургия комбинатлари, «Ўзэнерготаминот», «Шўртаннефтегаз», «Муборакнефтегаз», «Бекободметаллургия» комбинати, «Навоизот», «Ўзбекўмир», «Ангрэн ИЭС», «Аммофос», «Трансгазбутлаш» каби қатор корхона ва ташкилотларнинг биз тайёрлаётган маҳсулотларга ниҳоятда эҳтиёжманд эканлиги ҳам бор гап.

Афсуски, иқтисодий инқироз туфайли, Россия ва бошқа мамлакатлардан олинаётган хом ашёлар қисқарди, баҳоси кескин кўтарилди ёки баъзиларининг келиши тўхтаб қолди. Бу эса олдиндан тузилган режа ва шартномаларни жиддий равишда кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Мутахассислар, барча муҳандис-техник ходимлар

иштирокида шу йўналишда тузилган 18 банддан иборат тadbирга кўра биринчи навбатда тежамкорлик масаласига эътибор қаратилди. Чунончи, олдинлари цехларда зарурат бўлса бўлмаса ёниб турадиган электр чиқроқларидан белгиланган жадвал асосидагина фойдаланиш йўлга қўйилди. Термик ишлов бериладиган электр печлари, газ билан ишловчи темирчилик цехидаги печлар ҳам шундай ҳолатга ўтказилди. Қуов цехидаги печларнинг трубалари Россиядан келтирилган мис трубаларга алмаштирилди. Шунинг ўзи катта иқтисодий самара бериб, печларнинг узлуксиз ишлаши таъминланапти.

— Заввжжалар тайёрлашда шу йўналишдаги технологиянинг энг янги ютуқлардан фойдаланиш хар бир маҳсулотдан 8 кг. хом ашёни тежаб қолиш имконини берапти, — дейди бош муҳандис Анасхон Умаров. — Шпинделларни хромлаш усули эса занг-лашнинг олдини олади. Унинг мустаҳкамлигини ҳамда ишга яроқлилик муддатини оширади.

Юқорида тилга олингандек, юзага келган иқтисодий инқироз янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни

тақозо этмоқда. Шунга кўра, 4 хил турдаги ва хар хил ўлчамдаги винтел игналарини тайёрлаш узлаштирилди. «ДУ-50» маркали ва 3 хил катталиқдаги юқори босимга чидамли янги заъвжжалар тайёрлаш мўлжалланапти. Бундан ташқари, юқори босимга чидамли ва хар хил катталиқдаги винтеллар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхона муҳандис-техник ходимлари қисқа муддат ичида яна бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутишмоқдаки, булар шўбҳасиз, иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, иш жойларини тўлалигича сақлаб қолиш учун имкон яратмоқда.

— Биз иш жойларини қисқартириш эмас, балки сафимизни кенгайтириш йўлидан бормоқдамиз, — дейди корхона раҳбари М.Усмонов. — Масалан, яқинда шахримиздаги муҳандислик-педагогика олийгоҳига бу йил ўқишни тугаллаётган ёшлардан камида 10 нафарини ишга юборилишини сўраб талабнома бердик. Бизга билим-дон, соҳанинг чин мутахассиси бўлган кадрлар керак. Улар ёрдамида ишимиз янада ривож топади. Биз ҳеч қандай, ҳеч қардан қўмак олмасдан инқироз оқибатларини бартараф этамиз. Жамоамиз шунга қодир. Ишчи-хизматчиларимиз ўз меҳнат ва салоҳиятлари билан жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаши учун ўз хиссаларини қўшадилар.

Обиджон
ЖУМНАЗАРОВ,
«Ishonch» муҳбири

«Чиниёв санаторийси» ОАЖ жамоаси бир йилдан бери барча мақола ва бола халқимиз маърифатини кўзда тутиб «Ishonch» ва «Ishonch-Деври» газеталари таҳририяти ҳамда барча соҳа ходимларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан иш қўлидан қўпайди.

Заҳматли касб эгалари хонадонига хўш кайфият, тотувлик, эзгулик, файзу барака, бахту иқбол талаб қолади. Кўнгилаар доимо сурурга тўлсин!




«Турон санаторийси» ОАЖ раҳбарияти борган сари курроқ кириб бораётган «Ishonch» ва «Ishonch-Деври» газеталари таҳририяти ходимлари ҳамда республикамизнинг барча қалам аҳлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан қизғин табриклайди.

Порлоқ истиқбол сари дадил қадамлар билан бораётган юртдошларимизга ҳамиша руҳий тетиклик ва шодлик ҳамроҳ бўлсин!

Сиҳат-саломатлик, бахту иқбол, доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Байрамингиз муборак, азиз касб эгалари!

«Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси ва касаб уюшма қўмитаси



Меҳнаткаш таҳририят жамоасини ва соҳа жонқуярларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан қизғин муборакбод этади.

Қалбингизни эзгулик ҳеч қачон тарк этмасин. Гўзаллик, нафислик, бахт ва толе доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«ОҚ-ТОШ САНАТОРИЙСИ» МЧЖДА ДАМ ОЛИБ, ДАВОЛАНУВЧИЛАР

«Оқ-тош санаторийси» МЧЖ маъмурияти санаторийда дам олувчилар ва даволанувчилар талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда қуйидагиларни маълум қилади:

«Оқ-тош санаторийси»га ёзги мавсумда битта йўлланмага фақат бир дам олувчи ҳамда йўлланма кимнинг номига расмийлаштирилган бўлса, шу киши дам олиш учун қабул қилинади. Санаторийга 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган даволанишга муҳтож болалар фақат «Она ва бола» йўлланмаси орқали қабул қилинади.

Йўлланмада кечиктирилган кунлар қайта тикланмайди.

Бошланғич ташкилот фаолияти мавқеимизни белгилаб беради

дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова

— Ривожланиш, юксалиш куйидан юқорига қараб бўлади. Биз касаба уюшма мавқеини мустаҳкамлашга ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, бошланғич ташкилотларимизда бу жараён суст кечса, мақсадга ҳеч қачон эриша олмаيمиз. Аъзоларимиз фаолиятимизни айнан бошланғич ташкилот тимсолида кўради. Агар ташкилотдаги вақтимиз касаба уюшмасининг мақсад ва вазифаларини юз фоиз англаб етмаса, аъзоларга тўғри еткази олмади, аъзолик афзалликларини исботлашимиз қийин бўлади, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова.

Шу боис бошланғич ташкилотлар фаоллигига ёрдам бериш самарадор-

лигини ошириш мақсадида 2006 йил 9 январда вилоят кенгаши раёсатининг «Касаба уюшма ходимлари ва фаоллари билан 2006 йилда ўқув-семинар ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Семинарлар муваффақиятли ташкил қилинганлиги, бошланғич ташкилотлар фаолиятига таъсири сезиларли бўлганлиги туфайли энди ҳар йили ўтказилмоқда. 2006-2007 йиллари уларга 169 тадан киши жалб қилинган бўлса, 2008 йили 184 нафар фаол касаба уюшмаси тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлади. 2009 йилда эса 212 кишини ўқитиш режалаштирилган бўлиб, шу пайтгача 144 нафарининг ўқитилишига эришилди.

Семинарлар Урганч давлат университетида ташкил қилинган ўқув мар-

зида ўтказилиб, иштирокчиларга бир вақтинг ўзида университет санаторий-профилакторийсида дам олиш ва даволаниш имконининг ҳам берилганлиги фаолларга кенгашининг яна бир ғам-хўрлиги бўлди.

Тингловчиларга маъруза қилиш учун вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари, университет ўқитувчилари, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва бир қатор муассасаларнинг етакчи мутахассислари жалб этилган.

Ўқув машғулотларидан сўнг фаолларга иш юритишда зарур бўладиган қўлланма, ҳужжат тўпламлари совға қилиниши ҳам аъзоликка айланган.

Муҳаббат ТУРАБОВА,
«Ishonch» мухбири

Йўли равоннинг иши равон

Кейинги йилларда Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи йўллардан юрганмисиз? Кенг ва равон йўллар ҳар қандай йўловчига ҳузур бағишлайди. Ҳоҳ автотранспортда бўлсин, ҳоҳ яёв, киши манзилига тез ва беозор етиб борганини билмай қолади. Кайфияти кўтарилиб, бундай хайрли ишга раҳнамолик қилганларга, вақт билан ҳисоблашмай ишлаётган йўлсозларга тасаннолар айтади. Бу ҳам тинчлик, фаровонлик ва ободончиликнинг бир белгисидир.

Вилоят марказида «Бухоро-Навоий» халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жойлашган. Жамоа аъзолари Бухоро ва Навоий вилоятларидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўлларда бунёдкорлик ишларининг қўламини йил сайин ошироқдалар. Жумладан, ўтган йили 8.270.819.600 сўмлик иш бажарилиб, корхона тасарруфидаги йўллар тўла, ўрта ва жорий таъмирланди. Йўлларни сақлаш, кўзаландириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда янада кенг қўламли ишларни амалга оширишга киришилган. Асосий мақсад биргина Бухоро вилояти ҳудуди бўйича 496 километр халқаро ва 1482 километр давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини тўла ҳужайиларни пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхоналари билан жўйилган шартнома асосида сақлаш, жорий таъмирлаш, кўзаландиришга қаратилган.

Катта ҳажмдаги ишлар корхонанинг 2008-2009 йиллар дастурига киритилган. М-37 «Самарқанд — Бухоро — Олоғ» автомобил йўлининг белгиланган қисмларида қайта қуриш, ўрта таъмирлаш, шунингдек, «Қизилтепа — Араби — Когон» 4р65 ав-

томобил йўлининг «Ҳазрат Сайид Амир Кулол зиёратгоҳи ҳудудидан ўтувчи 3 километрик қисмини тўла таъмирлаш жараёни кетмоқда. Ҳар бир участкада юмушларнинг график асосида бажарилишига эришилаётгани эътиборга моликдир.

Президентимиз ташаббуси билан 2 қаторли йўлларни 4 қаторли йўлларга айлантириш борасидаги давлат топшириқларини бажариш бўйича ҳам қизгин иш олиб борилаётган. М-37 «Самарқанд — Бухоро — Олоғ» автомобил йўлининг 336 — 346 километрида катта ҳажмдаги тўрқ ишлари бажарилиб, йўллар кенгайтирилмоқда.

Корхона ихтиёрида йўл ҳужайилари учун зарур бўладиган барча замонавий техника ва транспортлар мавжуд. Соатига 50 тонна асфалт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган асфалт-бетон заводи узлуксиз ишлаб турибди. Корхона мутахассислари ишлаб чиқариш миқдорини камайтирмаган ҳолда маҳсулот таннархи кўтарилмаслигининг чорасини излаётган. Бу борада истеъмол қилинган газ ва электр энергиясини тежаш самара бермоқда.

— Ҳар бир корхонада кўшимча иш ўринлари, меҳнат аҳлига қулай шароит яратиш, уларнинг манфаатдорлигини ошириш, ҳавфсизлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар жамоа шартномасида акс этган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Файзиев. — Раҳбарият билан келишган ҳолда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратамиз. Бу умумий ютуқларимизни кўпайтирмоқда.

Касабақўм раиси фикрини далиллар билан исботлаб берди. Масалан, ўтган йили корхонада 270 ходим меҳнат қилган бўлса, бугун уларнинг сони 370 кишидан ошган. Йил охирига 226 та кўшимча иш ўрни яратиш учун бошланган ҳаракатлар қизгин давом эттирилляпти. Йўлсозлар объектларга махсус транспортларда олиб бориб келинади. Улар учун шинам вагончалар, бепул иссиқ оват ташкил этилган. Белгиланган муддатда махсус кийимлар берилляпти. Маошлар йил сайин оширилиб, ойма-ой тўланмоқда. Жумладан, бултвр жамоадаги ҳар бир аъзонинг ўртача ойлик маоши 257 215 сўмни ташкил этган бўлса, айни пайтда бу миқдор 340 000 сўмга етган. Илгорларни рағбатлантириш, уларнинг саломатлиги учун ғамхўрликни кучайтириш, кадрлар малакасини ошириш, меҳнат муҳофазасини тўғри йўлга қўйиш жамоа ишининг барқарорлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Иzzатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

«Муборакнефтгаз» унитар шўба корхонаси мамлакатимиз ёқилғи-энергетика комплексининг таянч устунларидан биридир. Республикаимиз бўйича қазиб олинаётган газнинг 68 фоизи, нефтнинг 90 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. У Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги ўнлаб конларни тасарруф этиб, Ўзбекистондаги барча нефт ва газни қайта ишлаш заводларини қимматбахо хомашё билан ўзлаштириб турибди.

Тажрибали мутахассис Ша-роф Раҳматов раҳбарлик қилаётган корхона касаба уюшма қўмитаси 20 та бошланғич ташкилот ва 4157 нафар аъзони бирлаштирган.

— Ижтимоий шерикчилик — корхона ва ҳар бир ходим манфаатидаги муштараклик ва унга эришишга қаратилган ҳаракат бирлигидир, — дейди касабакўм раиси.

Корхонада жамоа шартномаси тузилган. Унда умумий қондалардан ташқари томонларнинг мажбурияти, меҳнат шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни муҳофаза қилиш, ҳавфсизлик техникаси, атроф-муҳит экологисини, иш ва дам олиш вақти, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, меҳнат интизомини ҳамда низолари, жамоа шартномасининг бажарилишини назорат қилиш тартиби ўз ифодасини топган.

Беповён кенгликларда Кўкдумалоқ, Помук, Уртабулоқ, Денгизкўл, Қоровулбозор каби 77 та кон мавжуд бўлиб, 39 таси ишлаб турибди. Олинаётган табиий бойликларнинг бир қисми Қашқадарёдаги корхоналарга етказиб берилса, бир қисми бошқа вилоятлардаги заводларда қимматбахо хомашё сифатида ишлатилади.

— Кейинги йилларда нефт ва газ тармоғида ислохотлар

самараси яққол кўзга ташланмоқда, — дейди корхона раҳбари, вилоят кенгаши депутати Шермат Шамсиев. — Корхонаимизнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 34 млрд. 554 млн. 158 минг кубометр газ, 710 млн. 764 минг тонна конденсат, 2 млн. 38 минг тонна нефтга тенг. Янги технологиялар кенг қўлланмоқда.

Дарҳақиқат, биргина Кўкдумалоқ конида газ ва нефтни комплекс тайёрлаш қурилмалари, нефт қатламларидаги босимини ошириш учун мўлжалланган насос станциялари фойдаланишга топширилди. Босимни остига газ ҳайдаш, қатлами бир мезёрада ушлаб туриш, конденсатнинг унумдорлигини ошириш мақсадида «Kelloo» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилган компрессор станцияси иш бошлади. «Зеромакс» компанияси билан ҳамкорликда йўлдош газларни утилизация қилишга мўлжалланган компрессор станцияси қурилди.

Ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилашни назарда тутиб «Чанцин», «Ериел», «Лукойл», «Истана Каранг лаут» каби нуфузли компаниялар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Жорий йилда корхона 33 млрд. кубометр газ, 627 минг 300 тонна конденсат, 1 млн. 896



Ижтимоий шерикчилик — муваффақият гарови

минг тонна нефт қазиб олишни режалаштирган.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, улар учун муносиб шароит яратиш, илгорларни рағбатлантиришга 1 млрд. 279 млн. сўм сарфланди. Ҳар бир кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 413 минг сўмни ташкил этади. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун берилган имтиёзлар бўйича уларга 192 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Спорт анжомлари соҳиб олишга 13,5 млн. сўм ажратилди.

Китоб туманидаги меҳрибонлик уй оталиққа олинди, 9 млн. 400 минг сўмлик жиҳозлар олиб берилди. Банда болаларнинг омонат ҳисоб рақами очилиб, ҳар бирага 100 минг сўмдан маблағ қўйилди.

Ҳар йили 100-120 нафар ўғил-киз корхона ҳисобидан «Ёш алангачи» оромгоҳида дам олади. Шунингдек, бу ерда ҳар мавсум ходимларнинг 2300 нафар фарзанди хордик чиқаради.


Жамоадаги 316 нафар хотин-қизга 35 млн. 322 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Касаначилик ҳисобидан 72 киши иш билан таъминланди. Иқтисодий инқироз оқибатини енгилаштириш мақсадида маъмурий ҳўжалик харажатлари 20 фоиз қисқартирилди. Транспорт корхоналарига тўланадиган харажатларни камайтириш учун 35 та янги ПАЗ ва «Isuzu» автобуслари олинди.

Мураккаб технологик жараён бeнуқсон кeчиши учун жа-

моанинг ҳар бир аъзоси ўз ишини мукамал билиши лозим. Иш жойларида ходимлар учун ҳавфсиз шароит яратилган. Улар махсус кийим-кечак билан таъминланган. Зарарли жараёнларда банд бўлганларга керакли озиқ-овқатлар берилди. Бунинг учун ўтган йили 83 млн. сўм ажратилди.

Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича республика семинари ўтказилиб, илгорларнинг тажрибаси оммалаштирилди. Меҳнат муҳофазаси учун 2 млрд. 386 млн. 981 минг сўм ажратилди. 8 та ихтирочилик ва янги техникани қўллаш бўйича тақлифлар жорий этилиб, 1 млрд. 639 минг сўмлик фойда олинди.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири



«Бухоро» халқаро аэропорти раҳбарияти ва авиаходимлар касаба уюшма қўмитаси



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан мамлакатимиз қалам ахлини, шахсан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоасини самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида муносиб ҳиссаси қўшилаётган фидойи журналистларга сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик, хонадонларига файзу барака тилайди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



Йил сайин нуфузи ошиб омма қалбига тобора чуқурроқ кириб бораётган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти ходимларини, республикамизнинг барча қалам ахлини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан қизгин қутлайди! Барча ижод аҳлига ҳуш кайфият сиҳат-саломатлик Юрт равнақи йўлидаги фаолиятларига омад ёр бўлишини тилаб қолади!

**Сурхондарё вилоят
касаба уюшма
ташкilotлари
бирлашмаси**


**Ўзбекистон
Темирйўлчилар ва
транспорт курувчилари
касаба уюшмаси
Марказий кенгаши**

**Тошкент вилоят
Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси кенгаши**

**Тошкент шаҳар
Маданият ходимлари
касаба уюшмаси
кенгаши**

**«Тошкент газ
таъминот» унитар
корхонаси касаба
уюшмаси қўмитаси**

**Наманган вилоят
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшма кенгаши**



**Республика қурилиш ва
қурилиш ашёлари саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Марказий кенгашининг
Тошкент шаҳар, Тошкент
ва Фарғона вилоятлари
вакилликлари**

**Андижон вилоят
Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси кенгаши**

**Тошкент давлат
Шарқшунослик
институти
бирлашган касаба
уюшма қўмитаси**

**Республика Алоқа
ходимлари касаба
уюшмаси
Марказий кенгаши**

**Агросаноат
мажмуи
ходимлари касаба
уюшмаси Асака
туман кенгаши**

Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мустақил республикамизда фаолият кўрсатаётган барча қалам аҳлини, шу жумладан, касаба уюшмалари нашри бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятининг заҳматкаш ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан табриклайди.

Тилагимиз — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган улугвор ва бунёдкорлик ишларини тараннум этишда ғайрат-шижоатингиз янада барқ урсин, ижодингиз бундан-да гуллаб, яшнасин!



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Мамлакатимиз қалам аҳлини **Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан қизғин табриклайди.**
Яратувчилик, Ватан равнақи йўлидаги ижодий фаолиятингизга баркамоллик, мустақкам соғлик, ҳаётингизда фаровонлик, хонадонингизга тинчлик хотиржамлик тилайди.

Ходим манфаати устувор

Мамлакатимизда тадбиркорлиги билан танилган одамлар сони охиб бораётган. Айниқса, **енгил саноат тараққий этмоқда.** Тармоқ касаба уюшмаси ана шундай ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келяпти.

Худуддаги 11 та давлат, 4 та қўшма, 6 та хусусий корхона ҳамда 184 та акциядорлик жамияти билан жамоа шартномалари имзоланган. Меъёрий ҳужжатда 1617 та мажбурий қабул қилинган бўлиб, уларнинг 95 фоиздан ошғи бажарилди.

Тармоқда янги иш ўринлари яратиш, малякали ходимларни тарбиялаш диққат марказимизда бўлаяпти. Утган вақт мобайнида 1818 та янги иш ўрни яратилиб, 80 киши янги касбага ўқитилди. Аксарият корхоналарда ходимларга қўшимча қўлайликлар яратишга эришилди. Чунотчи, «Армуғон» хусусий корхонаси, «8 март» акциядорлик жамияти, Ободлаштириш департаменти каби жамоалар бунга мисол бўлади. Вилоят ва шахар «Сувоқава» ҳамда «Самарқанд» сингари корхоналарда ноқулай шaroитда ишловчи ходимларга 4 фоиздан 24 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Тасарруфимиздаги корхоналарнинг барчасида ноқулай шaroитда хизмат қилаётган ходимларга 3 кундан 15 кунгача, баъзи корхоналарда эса ундан ҳам ортиқроқ қўшимча таътил берилаяпти. Қўп болали оналарга, уруш ва меҳнат фахрийларига мунтазам қўмақ кўрсатиб келинмоқда.

Биргина утган йили меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 48 млн. 250 минг сўм, махсус кийим-кечкача 14 млн. 300 минг сўм, ювиниш воситаларига 343 минг 200 сўм, сутқатик учун 730 минг сўм маблағ сарфланган.

Дастгоҳларни таъмирлаш, шаҳодатлаш борасида ҳам режалаштирилган ишлар бажарилаяпти. Ходимларга шaroит яратишда «Азиза» МЧЖ, «Хуршид» ИЧК, «Армуғон» ХФ, «Бахмал», «Самарқанд-Бухоро ипак гилами» қўшма корхоналаридаги ишлар таҳсинга лойиқ. Қисқа қилиб айтганда, ходим манфаати устуворлигига эришиш асосий мақсадимиздир.

Зухра МАМАТҚУЛОВА,
Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш Самарқанд уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилоятидаги вакили

Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари Фарғона вилоят вакилчилиги



Сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини касб байрамингиз билан муборакбод этади!
Йўлингиз нурли, қаламингиз ўтқир, оилавий хотиржамлик мудом ёр бўлсин!

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакилчилиги

*Юртимиз фуқароларини 27 июль — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайди.
Мустақиллик йилларида халқ фикрини йнаккач ифодатисиз, ҳақиқий демократия институтини айланган матбуот ходимларини соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ижодий камолот тилайди.*

**Юртимиздан тинчлик, хотиржамлик, дастурхонимиздан кут-барақа ҳеч қачон аримасин.
Бахт-саодат, омад, юксак ижодий парвозлар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**



Тежамкорлик ва унумдорлик уйғунлиги

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакилчилиги ташкил топган вақдан буён ходимларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда миллий қадриятларни ривожлантиришга хизмат қилаётган турли тадбирларни ўтказишга ҳисса қўшиб келади.

Бугунги кунда Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакилчилиги тизимидagi 33 та бошланғич ташкилотга 33.350 нафар аъзо бирлашган. Урта махсус ўқув юрталарида ўқибтган талабалар 2552 та, ишламайдиغان нафақахўрлар 3110 нафар, корхона ва ташкилотларда ишловчи ёшлар 7022 та, аёллар

эса 7675 нафарни ташкил қилади. Марказий кенгаш томонидан йирик компаниялар билан тариф келишувларига ўтилиши жамоа шартномаларини таъсирчанлигини ошириши, иш берувчи ва бошланғич ташкилот ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Тармоқимиздаги барча корхоналар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинган бўлиб, улардаги меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, иш ва дам олиш вақти, меҳнат муҳофазасига оид шартларнинг тўлиқ бажарилиши назоратга олинган. Шунингдек, тармоқдаги 7 та кутубхона ва 3 та маданият саройи, 1 та спорт иншооти, 2 та болалар оромгоҳи меҳнатқашларга хизмат қилиб келмоқда.

Вакиллик тасарруфидagi спорт мажмуаларининг ҳар бирида 30 га

яқин секция ва тўғарак фаолият кўрсатади. Тармоқ бўйича 4000 га яқин ходим спорт билан мунтазам равишда шугулланади. Спортчиларимиз республика ва халқроқ миқёсдаги бир нечта мусобақада совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган.


Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган инкироз кўплаб ривожланган мамлакатларни танг ахволга солиб қўйди. Юртимизда амалга оширилган ислохотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодиётини бу хатардан муайян даражада ҳимоя қила олишини, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Айни кунда вилоят вакилчилиги УзКУФК қарорларига асосланиб, ин-

кирозга қарши дастур бажарилишига кўмаклашиш борасида муҳим тадбирларни режалаштириб олди. Унга асосан касаба уюшма маблагларини тежаш, мазкур маблаглар ҳисобига янги иш ўринлари ташкил қилиш белгиланган. Шу билан бирга вилоят вакилчилиги юртнобимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шaroитида уни бартараф этишининг асосий йўллари ва чоралари» китобидаги хулосаларини меҳнат жамоаларига тушунтириш мақсадида мутахассис, етакчи олим ва иқтисодчиларни тақлиф қилиб, семинарлар ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари, корхона, ташкилот ва ўқув юрталари кутубхоналарининг «Маънавият ва маърифат» хоналари мазкур китоб билан таъминланди.

С.МҮМИНОВА,
ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоятидаги вакили

Касаба уюшма ҳаётидан



Бугун Юрий Лисов барвақт уйғонди. Ошхонада чойни шошиб ичди-ю ташқарига отланди. Эрта тонгда Андижон кўчалари унинг кўзига шу қадар чиройли кўриниб кетдики, бунга маҳлиё бўлиб ишхонасига келиб қолганини билмай қолди. Соатига қаради-да, «Ҳали касаба уюшма раиси келишига анча вақт бор» дея ўйлаб, иккинчи қаватга кўтарилди. «Касаба уюшмалари вилоят вакилчилиги» деб ёзилган эшикни тортиб кўрган эди, у очилиб, ичкарида Саҳобиддин Умрзоқовни кўриб қувониб кетди.

Ишончли ҳамкор, СОДИҚ ҲИМОЯЧИ ёхуд вакилликлар фаолиятига бир назар

— Бугун оромгоҳа болаларни жўнатамиз, шунинг учун эртaroқ келдим, — дея унга пешвоз чиқди Саҳобиддин аха. — Сизнинг масалангиз ҳам хал бўлди. Мана йўланма, маза қилиб дам олинг! Фақат паспортни олишни унутманг! Зоминдан келиб-кетилиш осон эмас. Ҳа, айтганча, «обратный талон»ни олиб келишни унутманг. Яхши дам олинг!

Корхонада 40 йилдан буён ишлаётган энергетик Юрий Лисов касаба уюшма ташкилотидан миннатдор ҳолда уйига кетди.

Бундай воқеалар вилоят вакилчилигида ҳар куни содир бўладиган оддий ҳолатлар.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакилчилиги 1998 йилдан фаолият юритиб келади. Ҳозир вакиллик тасарруфидa 15 та, шундан 14 та корхона ва 1 та урта махсус ўқув юрти мавжуд бўлиб, аъзолар сони 7041 нафарни ташкил этади. Энергетика, нефть, кимё ва геология корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш айнан шу ташкилот зиммасидаги устувор вазифадир.

Меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишида қабул қилинган жамоа шартномаларида маънавий-маърифий ва спорт ишларини жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Марказий кенгаш билан «Ўзбекнефто» ДАК, «Ўзбекнефтогаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» АК ҳамкорлигида қабул қилинган тармоқ келишувларида юқоридаги масалалар учун маблағ ажратиш келишиб олинди.

Меҳнат жамоаларида жаҳон молиявий инкирозининг олдини олишга кўмаклашиш, энергия ва моддий ресурсларни тежаш, ходимларни оммавий тарзда ишдан бўшатиш устидан назорат қилиш, кўп болали, вояга етмаган ва ногиронларни ишдан бўшатишга йўл қўймайлиқ каби муҳим вазифалар белгиланган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури асосида вилоят вакилчилигида тадбирлар белгиланди. Ҳозиргача дастурга асосан қишлоқларда истиқомат қилаётган 109 нафар кам таъминланган, кўп болали оилага 4 млн. 626 минг 600 сўм, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 5 нафар онага 364 минг 500 сўм моддий ёрдам берилди.

Олий таълим муассасаларида контракт асосида ўқибтган 3 нафар қишлоқ ёшлари учун шартнома пулнинг ярми тўлаб берилди. Шунингдек, қишлоқларда яшаётган ходимларнинг 21 нафарига санаторий-профилакторийларга, 8 нафарига



санаторийларга имтиёзли йўлланма ажратилди. Бунинг учун корхона ҳисобидан 1 млн. 529 минг сўм, касаба уюшмалари ҳисобидан 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Вакиллик тасарруфидagi бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳам 2009 йилда ва ўтган йиллар давомида тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, вакиллик тасарруфидagi «Андижон электр тармоқлари» ОАЖга қарашли Булоқбоши туманида жойлашган «Энергетик» оромгоҳи болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси қарорига мувофиқ 2008 йили мавсум якуналарига кўра энг яхши болалар соғломлаштириш оромгоҳи деб топилди, мукофотланди.

Бу йил ҳам ушбу оромгоҳда мавсумни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида «Андижон электр тармоқлари» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Оромгоҳга ҳоимийлик маблаглари жалб этилиб, 15 млн. сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар олинди ҳамда 6 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу мавсумда оромгоҳда 650 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Вилоят ўқувчилар саройи ва таълим муассасаларидан юқори малакали педагоглар тақлиф этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда турли маърифий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Вакиллик тасарруфидagi корхона ва ташкилотларда ходимлар спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўйи касаба уюшма ташкилотлари томонидан қўлай шaroит яратилмоқда. Масалан, «Андижон электр тармоқлари» ОАЖда спорт зали ва майдончаси мавжуд. «Гурунч-бозор нефть базаси» унитар корхонасида 2008 йили спорт зали фойдаланишга топширилди. Бунинг учун корхона касаба уюшма кўмитаси томонидан 650 минг сўм маблағ сарфланди. «Ўжаобод» технологик транспорт бошқармаси» ОАЖда махсус жиҳозлар билан таъминланган спорт хоналари ташкил этилди. «Андижон нефть базаси» унитар корхонасида мини футбол майдончаси қурилмоқда.

Хуллас, Марказий кенгашининг Андижон вилоят вакилчилиги ходимлари касаба уюшма аъзоларининг ишончли ҳамкори ва содиқ ҳимоячиси бўлиш йўлида тинмай меҳнат қилаверади.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

Бошқарув тизими

Салоҳиятли кадрлар — давр талаби

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатчиликни қуриш жараёнини янада такомиллаштиришда бошқарув кадрлари салоҳиятининг аҳамияти беқийё. Ҳозир бошқарув ва раҳбаршунослик соҳаларида амалга оширилган тадқиқотларда муаммони ҳал қилишнинг тарбиявий, маънавий, ҳуқуқий ва инфорацион омиллари алоҳида ўрганилмоқда.

Кадрлар сиёсати борасида асосий муаммолар давлат хизматчисининг профессионал этикаси, бошқарув салоҳияти ва маҳоратини шакллантиришдир. Шу сабабли давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи малакали, тажрибали, билимли мутахассислар муайян давр мобайнида шаклланиши табиий ҳол ҳисобланади. Буни инобатга олган ҳолда уларнинг иқтисодий давр талаблари асосида ривожлантириш борш давлат ва жамият олдидаги асосий масалалардан бўлиб қолаверади.

Истиқлол йилларида давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Раҳбарлик вазифаларининг кенгайтирилиши ва эркинлаштирилиши, айниқса, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш катта аҳамият касб этди. Бу жараёнда асосий эътибор ҳокимиятнинг барча тармоқлари бир-биридан мустақил ҳолда иш қилиши таъминлини мустаҳкамлашга қаратилди. Шунингдек, ҳокимият ваколатлари нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқинма-босқин ўтказилди. Энди биргина маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай муаммо юзасидан давлат ҳокимиятининг олий органлари билан келишиб олиш зарурати йўқолди. Боз устига, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажариш билан бирга республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳима қилишда ҳам қатнаша бошлади.

Президент Ислам Қаримов асарлари-

да бошқарув кадрларининг профессионал маҳоратини оширишга қаратилган қайта тайёрлаш ва жамият мафратларига хизмат қилишга йўналтириш кўйидаги иккита катта муаммолар гуруҳи доирасида ҳал қилинган.

Муаммоларнинг биринчи гуруҳи. Бошқарув соҳасидаги кадрларнинг аксариятида юқори даражадаги касбий маҳорат, салоҳият билан бирга маҳаллийчилик, ошна-оғайнагарчилик, одамларни менсимаслик каби иллатлар учраб туради. Натижанда, юқори мансабларга салоҳиятсиз ва тасодифий кадрлар келиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун уларни тўлиқ чигириндан ўтказиш ҳамда касбий маҳорати юқори бўлганларини таллаб олиш керак.

Муаммоларнинг иккинчи гуруҳи. Бошқарув соҳаси ходимларининг ўз лавозимига тўри ёндашишга боғлиқ, Раҳбар расмий ёки норасмий тарзда ўзига хос хулқ-атворага эга бўлади. Бунинг яхши ва ёмон томонлари мавжуд. Раҳбар меъёрдан чиқиб кетса, яхши хулқ-атворида ўзгариш кузатилади, бу қилими билан ўзини, бундан бошқарув тизимини жамиятга қарши қилиб қўйди, одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини сўндиради. Бу эса унинг лавозимидан кетишига сабаб бўлади. Бошқаруving тизимли поғонаси тадрижий жиҳатларга асосланган бўлса, у жамиятда омилкорлик ва бошқарув маданиятига асосланган тадрижий йўл билан бартараф этилади.

Алишер ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси

(Боши 1-бетда)

— Мамлакатимиз матбуотида «Ishonch»нинг алоҳида ўрни бор, — деди профессор Пирмат Шермухамедов. — Айниқса, бошқа газетга ўхшамайдиган бир хислатини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу газета саҳифаларида инсон тақдирини бирлаштиради. Очигини айтиш лозим, газета кейинги икки-уч йил ичида бутунлай янгича қиёфа касб этди.

— Касаба уюшмаси фаолияти «Ishonch»да кенг ёритиб борилади, — деди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Лола Жалонова. — Биласиз, унинг фаолияти бевосита меҳнат ахлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. «Ishonch» газетаси ҳам ўзининг «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган шioriга амал қилиб, долзарб мақолалари билан инсонларга катта наф келтирмоқда.

— Аввало, Матбуот ва ОАВ ходимлари кунин билан барча қалам ахлини қўтлайман, — деди педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — Шу ўринда таъкидлаш жоиз, юртимиз матбуоти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келадиган «Ishonch» кейинги пайтларда бутунлай янгича қиёфа касб этди. Айниқса, таҳририятнинг бир қатор иқтидорли ходимлари ҳамда муаллифларининг савияли ва долзарб мақолалари кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Тадбир профессор Жуманазар Бекназарнинг «Манзилдан кейинги йўл» номли китоби тақдими билан давом этди. Барча йиғилганлар китобни қизиқиш билан қарши олдилар ҳамда ёзувчи ва



Тадбир

Масъулият сарҳисоби

адабиётшуносларимиз у ҳақда илиқ фикрлар билдирди. — «Ishonch» таҳририяти ЎзқУФК фаолияти билан чекланиб қолмасдан, бошқа соҳаларни ҳам атрофлиқа ёритиб, қўлбал яшадорларни жалб эта олди, — деди табибёт фанлари доктори Жуманазар Бекназар. — Биласиз, ўтган асрнинг 90-йилларида «Оила ва жамият», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари халқимиз орасида жуда оммалашганди. Чунки улар жамиятда кечаётган жараёнларни холис ёрита олган. Бугунги «Ishonch»ни ҳам ана шундай омма кўнглига қириб борган нашр дегу бемалол айта оламиз.

Тадбир сўнггида таҳририят бош муҳаррири А. Абдуразақов барча йиғилганларга миннатдорлик изҳор қилар экан, бундан кейин ҳам ушбу ҳамкорлик изчил давом этишига ишонч билдирди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» муҳбирлари

Саломатлик посбонлари доимо ҳимояда

Истиқлол йилларида табибёт соҳасида мисли қўрилмаган ишхотлар амалга оширилди. Бунинг асосида, қишлоқларда табибёт ёрдамчи пунктлари мисолида яққол қириш мумкин.

Жалақудук туманида 151 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Табибёт бирлашмаси таркибидаги 23 та даволаш-профилактика муассасаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келади.

Жорий йилда қишлоқ аҳолиси саломатлигини янада яхшилаш мақсадида «Саломатлик-2» лойиҳасига қўра 23 та КВП замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Айтиш жоизки, биздаги баъзи замонавий аппаратлар, ҳатто шаҳар шифохоналарида ҳам мавжуд эмас.

Табибёт ходимлари малакасини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу йилнинг 3 ойи давомида 21 нафар врач, 83 та ўрта табибёт ходими Тошкент ва Андижон шаҳридаги малака ошириш институтларида билимларини мустаҳкамлаб қайтди. Туман табибёт бирлашмасида жами 253 та олий маълумотли шифокор, 1460 нафар

ўрта табибёт ходими меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси доимо касаба уюшмаси назоратида.

Шифохона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига катъий амал қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Табибёт ходимлари меҳнати ва ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида марказий шифохонада «Моддий рағбатлантириш» жамғармаси ташкил қилинди. Туман табибёт бирлашмаси биринчи чоракда 13 нафар ходимга 2 млн. 495 миң сўмлик мукофот берди ҳамда моддий техника базасини ривожлантириш учун 11 млн. сўм сарфлади. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 15 нафар ходимга касаба уюшма қўмитаси бюджетидан 200 миң сўм моддий ёрдам берилди.

Саломатлик посбонлари доимо соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг ҳимоясида бўлиб, йил бошидан бери улардан тушган 18 та ёзма ва 5 та оғзаки ариза ўз вақтида қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Ходимларга махсус кийим-кечак, бепул сўт-қатиқ бериш йўлга қўйилди.

Маъмурият ва касаба уюшма кенгаши ҳамкорлигида бугунги ҳақон иқтисодий инқирозни оқибатларини барта-раф этиш юзасидан ҳам чора-тадбирлар ишлаб чиққан. Озиқ-овқат захираларини яратиш, беморларга парҳез таомларни етказиш мақсадида профилактика муассасаларидаги ёрларга сабзавот ва полиз экинлари экилди. Жумладан, помидор, қарам, сабзи, лавлаги, бўлғор қалампир, картошка экилиб парваришланмоқда.

Саодатхон ЭРГАШЕВА,
Соғлиқни сақлаш
ҳодимлари касаба
уюшмаси
Жалақудук туман кенгаши
раиси

Эътибор ва ғамхўрлик

барчани бирдай қамраб олган

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши 35 миңдан зиёд аъзони бирлаштиради. Кенгаш томонидан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аъзолик афзалликларини исботлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, бунинг асосида муаммоларни ўтказиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кенгаш раиси, табибёт фанлари номзоди Бектурди МАТКАРИМОВ билан суҳбатимиз шунлар ҳусусида бўлди.

— Бектурди ака, кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар томонидан маъмурият билан имзо-ланган жамоа шартномаларида асосан нималарга уруғ берилган ва уларнинг тўла қонли ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Тармоқ кенгашига қарашли муассасаларда 61 та бошланғич касаба уюшма ташкилот фаолият юритади. Ўтган йили 42 та бошланғич ташкилотда 2008-2010 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси имзоланди. Бу йил яна 19 та ташкилотимизда жамоа шартномаси тузилди. Ушбу шартнома лойиҳалари тўла экспертиза қилиниб, вилоят Соғлиқни сақлаш бoshқармаси билан тузилган тармоқ кенгашига тўла мувофиқлаштирилди. Жамоа шартномалари тузишга оид тавсиялар ишлаб чиқилиб, табибёт фанлари уюшмасига етказилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари тузишда аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларини бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар, уч ёки икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, онасиз болаларни тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган ҳодимларга Меҳнат кодексини талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёзлар берилди.

Касаба уюшмасига сайланган ходимлар учун қуйдаги имтиёзлар жамоа шартномаларида ўз аксини топган: ходимлар вакиллик органининг қонуний фаолиятига ҳар қандай тарзда тўсиқлик қилиш таъқиқланади. Ходимлар вакиллик органининг фаолиятини иш берувчи ташаббус билан тугатишга йўл қўйилмайди. Касаба уюшма кенгаши вакилининг оқори касаба уюшма кенгаши мажлисларида, семинарларида қатнашган вақтидаги ўртача ойлик маоши сақлаб қолинади.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида барчамизнинг қўлибиди ана шу тараққиёт ва фаровонликка улш қўиш истаги нишурди. Бунинг, қишлоқда ёки шаҳарда яшашимиздан катти назар, барчамизнинг орзуларимиз муштарак. Кенгаш томонидан давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз...

— Ҳар қандай шахс эришадиган муваффақиятда саломатлик мўҳим рол ўйнайди. Аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қиладиган юрдошларини

миз врачлик пунктларининг самарали фаолиятини баҳраманд бўлмоқда. Вилоятимизда 164 та КВП бўлиб, уларда 3677 нафар ходим ишлайди. КВПларнинг барчаси замонавий жиҳозларга таъминланганлиги, барча зарур табибёт анжумлари билан таъминланганлиги қишлоқ аҳолининг оқори малакали табибёт хизматидан баҳраманд бўлишига хизмат қилаётган.

КВПларимиздаги маънавият ва дам олиш хоналаридаги шароитни янада яхшилаш мақсадида уларга турли китоблар совға қилдик, янги жиҳозлар олиб бердик. Қишлоқларда яшовчи ходимларимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароити яна бир бор ўрганилиб, муҳтожларга моддий қўмак берилди. Буш вақтинги мазмунли ўтказиш учун саёхатлар, адабий-баддий кечалар, спорт мусобақалари уюштирилди.

— Узагини соғлиғи ҳусусида қайғуриш учун киши аввало ўзи саломат бўлиши лозим. Кенгаш томонидан аъзолар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилмаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Аъзоларимиз вақти-вақти билан табибёт қўриқдан бепул ўтказиб борилади. Уюштирилган турли мусобақалардан қўзланган асосий мақсад ҳам аввало, ходимлар соғлиғига ғамхўрлик қилишдир. Ўтган ойда табибёт коллежларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида спартакиада ташкил қилгандик. Яқин кунларда аёлларимиз учун махсус мусобақалар уюштиришни режалаштиргандимиз.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида 60 нафар ходимимиз мамлакатимизнинг энг сўлим гушаларида дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлади. Бунинг учун кенгаш 27 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Йил давомида яна 134 аъзо шундай имкониятдан баҳраманд бўлади. Соҳа ходимларининг 72 нафар боласи Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда дам олдирилса, 150 дан зиёд бола вилотимиздаги лагерларда таътилни сермазун ўтказиши белгиланган. Фарзандларимизнинг маҳаллий оромгоҳларда дам олишини муваффақиятли ташкил этиш мақсадида кенгаш томонидан 5,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

Зиммамиздаги вазифаларини тўла бажариш учун ҳаммамиздан аввало, саломатлик талаб қилинади. Шундай экан, биз барча аъзоларимиз, юрдошларимиз юзюда мамнулик акс этишини истаймиз.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
суҳбатлашди



«Ўз — ўтмоқда соз»

Шайхлар қишлоғида жойлашган «Кувноқ» оромгоҳи гаважум. Таътилга чиққан болаларнинг бир гуруҳи аллақачон бу ерда дам олишни бошлаб юборган. Оромгоҳда «Ўз — ўтмоқда соз» бўлиб, болалар кунини нишонлаган дам олувчиларни навбатдаги машғулотга тайёрларлик жараёнида учратдик.

«Кувноқ» даги шодонлар

— Хали олдинда зукколар беллашув, «Нефту» кунлари кутиб турибди, — дейди 2-гуруҳ сардори Диларфўз Очилова. — Туманимизнинг турли ерларида келган болалар тезда иноқлашиб кетишди. Оромгоҳ жамоаси бизга барча шароитни яратиб беришга интиляпти.

Дам олишни ташкил этишга пухта тайёрлик қўрилганлиги шундоқ кўришиб турарди. Ҳовлидаги 40-50 йиллик дарактларга шакл берилган. 90 та кўрпа-ёстиқ жилди янгиланган. Айниқса, «Маънавият ва маърифат хонаси»даги ташки-

лий ишлар эътиборга молик. Истиқлол берган имконият кўргазмалли жисмаларда ўз аксини топган. 4 та компютер дам олувчилар ихтиёрига топшириб қўйилган. Туман ахборот-ресурс маркази ходимлари турли китоблар билан таъминлаб келишди. Бу ерда китоб айланмишининг салмоғи 220 тадан ошаётган экан.

Оромгоҳни озик-овқат билан «Янги ҳаёт», «Азиз нон» ишлаб чиқариш бирлашмалари таъминлаб келмоқда. Болаларга етказиб берилаётган махсулотлар нархи бозордагидан анча

арзон. Тумандаги «Бобоқулов» фермер хўжалиғи эса оромгоҳни сут билан таъминлашни зиммасига олган. Хўжалик ҳар кунини 50 литр сутни пешма-пеш келтириб берапти.

— Хомийлар қўмағи, касаба уюшма ҳаракати билан 1 млн. 600 миң сўмлик юмшоқ жиҳозлар харид қилинди. Ошхона жиҳозлари қисман янгиланди, — дейди Иштихон туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси Баҳодирхон Валиев. — Шунингдек, спорт, маданий-маърифий, техник жиҳозлар ҳам етарли.


Оромгоҳдаги 30 сотихлик ёрдамчи хўжалик сархил сабзавотлар билан таъминлашга йўналтирилган. Бу ерда картошка, сабзи, помидор ҳамда турли қўқатлар етиштирилади. Комил Хидиров раҳбарлигида беш ошпаз дам олувчиларга мазали таомлар тортиқ қилишга интиляпти.

Мавсумда 260 нафар болани ўз бағрига олишни мўлжаллаётган «Кувноқ»да болалар шод-хуррам.

Нурулла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири


«Ўзбекистон матбуоти» айланма кроссворди

Белгиланган хондан соат мили йўналишида: 1. Ҳаёт кўзгуси, кундалик нашр. 2. Бирор асар ёзган ижодкор. 3. Матнни имло жиҳатидан тузатуви, матбаа ходими. 4. Айрим матбуот нашри раҳбари. 5. Умумжаҳон ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган компютер тизими. 6. Содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан матбуотда эълон қилинадиган маҳаллий мавзулардаги хабар. 7. Уқув-қўлланма нашри. 8. Маълум бир касб, соҳа тартиб қондалари баён этилган қўлланма. 9. Босма асарларини тайёрлаш ва чоп этиш билан шуғулланувчи муассаса. 10. Миллий матбуотимизни ривожига мўҳим ҳисса қўшган маърифат хомийси, шоир, ўқув-қўлланмалари муаллифи. 11. Сўз санъати. 12. Таниқли инсонлар билан учрашиш асосидаги мақолалар руқни. 13. Бўёқ ишлатмасдан, штрихлар асосида расм чизиш санъати. 14. Билим ва эгалланаётган хунари синаб қўриш жараёни. 15. Бирор тилдан бошқа тилга ўтирилган матн. 16. Радио эшиттиришда махсус инфомацион дастур номи. 17. Саҳифадаги шеърят руқни. 18. Нобб қобилият ҳақидаги маълумотлар руқни. 19. Ўтган, табаррук инсонларни ёдга олиш руқни. 20. Нашрдаги тарғибот саҳифаси. 21. Нашрга тайёрланадиган асарнинг илк матни. 22. Топкирлик синаладиган, бошқотирма тури. 23. Асарга берилган ном. 24. Биринчи нашри босилиб чиққан кун Ўзбекистон Республикаси матбуоти кунига асос бўлган журнал номи. 25. Воқеа-ҳодисалар изчил талғат даврларига кўра қайд этилган тарихий ҳужжат. 26. Вақтли матбуот учун ёзилган, илмий ёки публицистик асар.



МУАММОНОМА

Авалло, куйида таърифланиб, рақамларда фоддаланган калит сўзларни топинг.
1. Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи ижодкор, матбуот ходими — 17, 23, 4, 3, 1, 5, 2, 15, 10.
2. Асарнинг дастлабки, бошланғич қисми — 14, 12, 13, 1, 12, 12, 2, 14, 2.
3. Республикаимиздаги нашриётлардан бири — 20, 1, 3.
4. Ватанимиз ёшларининг ижтимоий-адабий журнали — 16, 6, 5, 2, 21.
5. Халқимизни хўшёр бўлишга чорловчи мақолалар саҳифаси руқни — 7, 8, 7, 9, 5, 2, 21.
6. Муштарийларнинг дил изохори — 9, 1, 10,
7. Бирор ҳолат ёки масалани ёқлаш мақсадида ўтадиган мунозара, тортишув мақолалари руқни — 11, 1, 22, 15.
8. Безалган, суратли кўркем саҳифа — 18, 1, 4, 19, 1, 4, 1, 13.
9. Гапнинг бош бўлағи — 25, 8, 1.
10. Вақт ўлчови бирлиги — 24, 2, 5.
Энди шаклнинг атрофи ва ички қисмидаги рақамларни калит сўзларни жавоблар асосида харфлар билан алмаштириб, муаммонани ҳал этинг. Бунда улардан Она ватанимиз матбуотининг асосий вазифаларини билиб оласиз.



ЎЗИМИЗНИНГ МУҲАММАДЖОН АКА

Даврий нашрлар долзарб, қизиқарли материаллар билан бойитилиб, халқнинг юрағига йўл топа олмагани, мавқеи ошиб, ўқувчилари сафини кенгайтира олади. Ҳар қандай газетанинг муваффақиятга эришишида ташқи муаллифларнинг алоҳида ўрни бор. Шундай муаллифларимиздан бири, марғилонлик Муҳаммадхон Маҳмудовнинг материалларини ҳар сафар қўлга олар эканмиз, у билан қўйибона суҳбатлашамиз.

Айни пайтда кексаллик гаштини сураётган М.Маҳмудовнинг долзарб мақола ва хабарлари газетамизда кўп чоп этилган.

Фаол муаллифимизни байрам баҳонасида қўлаб, оилавий бахт-саодат, хотиржамлик, узоқ умр тилаймиз.

Фозилжон ОРИПОВ тўзди.



oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusoliq
Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,

Mirzohid SODIQOV,

Normamat

AIAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysuluv NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq

NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari

hayoti

256-87-63

Huquq va

xalqaro hayot

256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy

siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy

qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar

bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-03-90

Manzillimiz:

100165,

Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

Sh.Abdusamadov

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning

kompyuter markazida terildi

va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H.Abdujalilov

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа

ижодий уйи босмадонасида

босилди.

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри

Навоий кўчаси 30-уй

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma talqoq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba

va shanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan

ma'lumotlarda manba sifatida

gazeta nomi ko'rsatilishi shart.